



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
FARMOYISHI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - Mart

39 ф -son

Bog‘ot shaharchasi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 мартдаги 96-Ф-сонли ва бу юзадан Хоразм вилояти ҳокимининг 2021 йил 11 мартдаги 40-ф-сонли фармойишларининг ижроси юзасидан туманда “Наврўз” умумхалқ байрамани муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, худудларнинг эпидемиологик осойишталигини сақлаш, соғлом турмуш тарзи ва санитария-гигиеник маданиятни тарғиб қилган ҳолда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини кўллаб-қувватлаш, шунингдек маҳаллалар, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 мартдаги 96-Ф-сонли ва бу юзадан Хоразм вилояти ҳокимининг 2021 йил 11 мартдаги 40-ф-сонли фармойишлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2021 йил 13 март куни “Обод ва кўркем маҳаллам” ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш бўйича туман ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ишчи гуруҳ (С.Қурбонов, Э.Рўзметов), туман ички ишлар бўлими (А.Абдуллаев), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (О.Бектурдиев), туман тиббиёт бирлашмаси (А.Саидов), санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги маркази (Ш.Давлетов), шаҳарча ва маҳалла фуқаролар йиғинлари умумхалқ ҳашарини ўтказиш доирасида қуйидаги тадбирларни амалга оширишни назарда тутсинлар:

маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонларни ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш;

“Маҳалламга 30 туп дарахт менинг туҳфам” шиори остида барча турар-жой мавзелари ва маҳаллаларда гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар экиш, дарахтларни оҳаклаш ва буташ;

ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш;

жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўтказилиши жараёнида тўпланган чиқиндиларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан алоҳида белгиланган жойларга олиб чиқилишини таъминлаш;

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қатнашчиларини зарур техника воситалари ва анжомлар билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир кўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2018 йил 10 майдаги 349-сон қарорига мувофиқ умумхалқ ҳашарини тегишли ташкилотлар ҳудудига меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказиш;

умумхалқ ҳашари доирасида бўлмаган бошқа турдаги жамоат ишлари, шу жумладан, қурилиш-таъмирлаш ва қишлоқ хўжалиги ишларига мажбурий жалб этишга қатъий йўл қўйилмаган ҳолда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, иш ўринларини тартибга келтириш ишларини амалга ошириш;

автомобиль йўллари, ҳаракатланиш тизим бўлган кўчалар, сув объектлари, қирғоқ бўйи ҳудудлар ва зоналар, қурилиш майдонлари, бино ва иншоотлар томлари, хавфли ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, инсонларнинг ҳаёти ёки соғлигига хавф туғилиши юзага келиши мумкин бўлган бошқа жойларда ихтиёрий ташаббус билан ҳашарлар ва бошқа ишларни ўтказиш тақиқланганлигини қатъий назоратга олиш;

ушбу тарғибот-ташвиқот тадбирларида жойларда иш берувчилар томонидан ҳашарда кўзда тутилган ишлар учун ишчиларни мажбурий тарзда жалб этишга мутлақо йўл қўймаслик, шундай ҳолатларга йўл қўйган мутасаддиларга жазо чораларини қўллаш.

4. Вилоят ҳокимининг мазкур фармойиши билан шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси (И.Файзуллаев), Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Хоразм илмий тажриба станцияси (Н.Тўраев), вилоят молия бош бошқармаси (М.Искандаров) билан биргаликда белгиланган микдордаги кўчатлар ҳамда қаламчаларни олиш истагини билдирган шаҳарлар ва туманлардаги ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларга шартнома асосида ва қонунчиликда белгиланган тартибда пул ўтказиш йўли билан ташкилотларнинг ушбу тадбирлар учун назарда тутилган маблағлари ҳисобидан етказиб берилишини таъминлаш вазифаси топширилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

5. Туман ҳокимлиги (Э.Рўзметов), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди (О.Бектурдиев), Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (О.Матниёзов)га “Обод ва кўркам маҳаллам” ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш тадбирига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, шунингдек, туманнинг барча аҳолиси, айниқса, ёшларни жалб этишда ихтиёрийлик таъминлансин.

6. Умумхалқ ҳашарини ўтказиш муносабати билан идоралар ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ихтиёрий маблағлари “Маҳалла” хайрия жамоат фонднинг туман бўлимининг банкдаги ҳисобварақига ўз ташаббусига кўра ихтиёрий ўтказилиши тавсия этилсин.


7. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими (О.Бектурдиев)га умумхалқ ҳашаридан тушган маблағларни кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз қарияларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Обод ва хавфсиз маҳалла” жамғармаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тегишли йўналишлар бўйича харажатларини қоплаш ва ходимларини бир марта моддий рағбатлантириш, ички туризм ҳамда аҳолига қўшимча иш ўринларини яратиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш каби тадбирларга сарфланишини назарда тутсин.

8. Туман ички ишлар бўлими (А.Абдуллаев), туман фавкулудда вазиятлар бўлими (И.Бабажанов) умумхалқ ҳашари кунлари санитария-эпидемиологик талабларга риоя этган ҳолда, жамоат тартибини сақлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрсин ҳамда техник жиҳатдан соз бўлган техника воситаларидан фойдаланишни назоратга олсин.

9. “Боғот садоси” газетаси тахририяти (Ш.Усмонхўжаев) ва туман ҳокимлиги матбуот хизмати (М.Абдуллаева) жорий йилнинг 13 март куни ўтказиладиган умумхалқ ҳашарини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи С.Қурбонов ва туман ҳокими ўринбосарлари А.Қуръязов, Р.Шарипов ва Э.Рўзметовлар зиммасига юклансин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев